

# Тавофнинг турлари



13:10 / 06.05.2025 2147

Тавофлар умуман етти турли бўлади. Улар қуйидагилар:

**1. Тавофи қудум:** Тавофи қудум «тавофи лиқо» (кўришув тавофи), «тавофи вуруд» (ташриф тавофи) ҳам дейилади. Бу ифрод ёки қирон ҳаж қилувчи офоқийга (Ҳарам ҳудудидан ташқарида яшовчиларга) суннатдир. Маккалик ва офоқийлардан таматтуъ ёки умра қилувчи учун бу суннат эмас.

Унинг кўриниши: Ифрод ҳаж қилувчи Ҳарамга кирганидан кейин тезлик билан бир тавоф қилиб олади. Ўша тавоф «тавофи қудум» (кўришув тавофи) дейилади. Қирон қилувчи умра билан ҳажга бирга эҳромга кириб, Ҳарамга киргандан кейин биринчи умра арконларини адо қилиб бўлгандан кейин нафл тарзида бир тавоф қилади. Мана шу қирон қилувчининг тавофи қудуми ҳисобланади.

Эслатма: Қирон ҳаж қилувчининг аввал умра қилиб, кейин тавофи қудум қилиши суннатдир. Лекин бунинг аксини қилиши, яъни биринчи тавофи қудум қилиб, кейин умра қилиши суннат эмас;

**2. Тавофи нафл:** Нафл тавофни ким қачон хоҳласа қилиши мумкин бўлиб, унинг учун бирор муайян вақт тайин қилинмаган.

**3. Тавофи умра:** Умра қилувчига умра тавофини қилиш фарз ҳисобланиб, унда изтибоъ билан рамал суннатдир. Ушбу тавофдан кейин Сафо билан Марва тепалигида саъй қилиш вожибдир. Бу ҳақда «Умра» мавзуси остида батафсил маълумот берилди;

**4. Тавофи назр:** Бир киши «фалон ишим битса, Аллоҳ таоло учун бир тавоф қиламан», деган бўлса, ўша нарса «тавофи назр» дейилади ва иши битганидан кейин ушбу тавофни қилиш зиммасига вожиб бўлади;

**5. Тавофи таҳийя:** Масжидул-Ҳарамга кирувчи кишининг бир тавоф қилиши мустаҳаб бўлиб, ундан кейин икки ракат намоз ўқиши тавофнинг вожибидир. Масжидга кирувчиларга икки ракатли «таҳийяти масжид» намози ўқиш мустаҳаб бўлгани каби, Масжидул-Ҳарамга кирувчиларга ҳам тавофи таҳийя (таҳийя тавофи) қилиш мустаҳабдир.

Агар бирор киши Масжиди Ҳарамга кириб тавофи зиёрат ёки тавофи қудум ёки тавофи назр ёки тавофи умра ёки тавофи содар қилса, ушбу тавоф ҳам тавофи таҳийя ўрнига ўтади ва у икки тавоф савобига эга бўлади;

**6. Тавофи ифоза (зиёрат):** Тавофи зиёрат ҳар бир ҳожи учун фарз бўлиб, Арафотда туришдан олдин уни қилиш жоиз эмас. Тавофи зиёратнинг вақти Арафотдан кейин бўлиб, зул-ҳижжанинг ўнинчи кунидан бошлаб ўн иккинчи куннинг қуёши ботишигача адо қилиш вожибдир. Агар ундан кейин қилса, қилган тавофи дуруст бўладию, лекин вақтидан кечиктиргани учун зиммасига бир қон (жонлиқ сўйиш) лозим бўлади.

Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, яъни ҳайит куни шайтонга тош отиб, қурбонликни сўйиб, сочни олдириб ёки қисқартириб бўлингандан сўнг Байтуллоҳ тавоф қилиш «ифоза тавофи»дир, у «тавофи зиёрат» ҳам дейилади. Бу тавофни уч кун ҳайит ичида бажариш зарур. Бу тавоф умр бўйи бўйиндан соқит бўлмайди. Агар ким уч кун ҳайит ичида тавоф қила олмаса, жонлиқ сўйиши вожиб бўлади. Тавофни эса, қачон бўлса ҳам албатта қилиши лозим. Ифоза тавофини қилмаса, ҳажи ҳаж бўлмайди. Бу тавофнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Уни қилгандан сўнг аёлига

яқинлик қилиши ҳам жоиз бўлади.

Ифрод ҳажини ният қилган киши янги келганида қудум тавофини адо этиб бўлгач, Сафо ва Марвада саъй қилган бўлса, энди ифоза тавофи чоғи саъй қилмайди.

Таматтуъни ният қилган одам умрага саъй қилгандан кейин яна иккинчи марта саъй қилиб олса, жоиз. Агар саъй қилмаган бўлса, ифоза тавофидан кейин саъй қилиши вожиб бўлади.

**7. Тавофи видоъ** (содар): Мийқотдан ташқаридан келувчи ҳар бир офоқийнинг ватанига қайтишдан олдин тавоф қилиши вожиб бўлади. Ушбу тавоф «тавофи видоъ» («тавофи содар») дейилади. Лекин ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёллар ушбу тавофни қилишмайди. Шунингдек, Макка, мийқот, ҳилл аҳлларига ҳамда балоғатга етмаган болалар, мажнунлар, ҳаждан тўсилган кишиларга, умра қилувчи офоқийларга тавофи содар қилиш вожиб эмас.

Ҳар ким юртига кетишдан олдин видо тавофини қилиши керак. Бу амал вожибдир. Унинг яна бир номи «тавофус содар»дир. Ният қилиб, тавофни адо этиб бўлгандан сўнг икки ракат тавоф намози ўқилади. Аллоҳ таолога илтижо билан дуолар қилинади. Кейин Замзам қудуғига бориб, сувидан тўйиб-тўйиб ичилади. У ерда ҳам дуолар қилинади. Яна такбир, таҳлил айтиб, дуолар ўқиб, хайрлашиб чиқиб кетилади, Маккаи мукаррамани тарк этишдан аввал видо тавофи адо этиб, бошқа ишлар билан машғул бўлмай йўлга отланиш керак. Шунинг билан ҳаж амаллари тугайди.

**«Мўминнинг умр сафари» китобидан**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 06 февралдаги 02-07/ 588-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.